



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Ғузор тумани 2022 йил 15 июль 4-1803-2202/701-сонли иш

Ғузор туманлараро иқтисодий судининг судьяси Н.С.Хўжақулов раислигида, судья ёрдамчиси Б.Шамсиддиновнинг котиблигида, аризачи [REDACTED] нинг, жавобгар [REDACTED] нинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси бўйича ишни аризачи вакили Р.Абдирахмонов (14.05.2022 йилдаги 21-02658-сонли ишончнома асосида) иштирокида, Ғузор туманлараро иқтисодий суди биносида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Аризачи [REDACTED] (бундан буён матнда аризачи) Ғузор туманлараро иқтисодий судига ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар [REDACTED] нинг (бундан буён матнда жавобгар) банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили жавобгар [REDACTED] 2022 йил апрель ойи учун айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этмаганлигини, жавобгарга солиқ ҳисоботларини тақдим этиш юзасидан хабарномалар юборилганлигини билдириб, жавобгар томонидан 15.07.2022 йил ҳолатида ҳисобот топширилмаганлиги ҳақидаги маълумотномани судга тақдим этиб, суддан аризани қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар [REDACTED] га суднинг аризани иш юритишга қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрими юборилган бўлиб, ажримни қабул қилиб олганлиги тўғрисидаги электрон почта хабарномаси судга келган бўлса-да, бироқ жавобгар узрсиз сабабларга кўра суд мажлисига иштирок этмади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 128, 220-моддаларига асосан, ишни жавобгар вакилининг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд, аризачи вакилини кўрсатмаларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, уларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидаги асосларга кўра аризани қаноатлантиришни лозим топди.



Иш ҳужжатларидан кўринишича, жавобгар томонидан 2022 йил апрель ойи учун айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботи белгиланган муддатда солиқ органига тақдим этилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (бундан буён матнда СК деб юритилади) 82-моддасига асосан солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади.

СК 273-моддасига кўра солиқ тўловчилар, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари шарт.

Аризачи томонидан мазкур солиқ ҳисоботларини топширишни сўраб 27.05.2022 йилда жавобгарнинг электрон манзилига хабарнома юборилган бироқ, юборилган хабарномага қарамасдан жавобгар томонидан солиқ ҳисоботлари белгиланган муддатда топширилмаган. Шундан сўнг, Ғузор туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан 2022 йил 15 июндаги 01-03158-сонли қарор билан жавобгарнинг банклардаги барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари 10 кун муддатга тўхтатилган.

2022 йил 15 июнь куни [REDACTED]нинг жавобгар [REDACTED]га электрон тарзда юборган хабарномасида, жавобгар томонидан солиқ ҳисоботи тақдим этилмаганлиги учун унинг банклардаги барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари 10 кун муддатга тўхтатилганлиги, агар ҳисобот тақдим этилмаса, банклардаги барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари 10 кундан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш ҳақида судга ариза киритилиши ҳақида огоҳлантирилиб, солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборилган.

Аризачи 2022 йил 5 июлда жавобгарнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисида Ғузор туманлараро иқтисодий судига ариза билан мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддасига кўра, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор электрон шаклда солиқ органи томонидан банкка юборилади. Бир вақтнинг ўзида солиқ



органи томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб турилиши тўғрисида хабарнома бунинг сабабларини кўрсатган ҳолда юборилади.

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

1) ушбу солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда;

2) солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органининг камерал солиқ текшируви натижалари бўйича талабномасига тушунтиришлар ва (ёки) тузатишлар белгиланган муддатда тақдим этилмаганда, шунингдек солиқ тўловчи томонидан солиқ органи талаб қилган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

3) солиқ текширувини ўтказаетган солиқ органларининг мансабдор шахсларини кўрсатилган ҳудудга ёки бинога (бундан турар жойлар мустасно) киришига тўсқинлик қилишда. Солиқ органи мансабдор шахсининг киришига тўсқинлик қилиниши унинг ўзи ва текширилаётган шахс томонидан имзоланадиган далолатнома билан расмийлаштирилади. Бундай далолатнома асосида солиқ органи банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туради;

4) солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) ўзи кўрсатган манзилда йўқлигида.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақ бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ биринчи навбатда кўрсатилган тўловларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган банклардаги ҳисобварақларга татбиқ этилмайди.

ИПКнинг 217-моддасига кўра, банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқий таъсир чораси ҳисобланади.

Ушбу Кодекснинг 215-моддасига асосан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги аризалар билан судларга назорат қилувчи органлар мурожаат этишга ҳақли.

Суд мажлисида аризачи вакили томонидан тақдим этилган маълумотномага кўра, жавобгар томонидан 2022 йил апрель ойи учун айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботи 15.07.2022 йилга қадар ҳам топширилмаган.

Юқоридагиларга кўра, суд аризани қаноатлантиришни, тарафлар ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўлашдан озод этилганлиги сабабли давлат божи ундирмасликни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 176-179, 186, 215, 217, 221, 222-моддаларини қўллаб, суд



қ а р о р қ и л д и:

Аризачи [REDACTED]нинг аризаси қаноатлантирилсин.

Жавобгар [REDACTED]нинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операциялари (бюджетга тўловлар, иш ҳақи, нафақалар, шунингдек ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида соғлиқ ва ҳаётга етказилган зарарни қоплаш учун тўлаб бериладиган маблағлар бундан мустасно) чиқиш қисми солиқ ҳисоботлари тақдим этилгунга қадар тўхтатиб қўйилсин.

Жавобгар [REDACTED]га хизмат кўрсатувчи барча банклар ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйишга сабаб бўлган ҳолатлар тўлиқ бартараф этилгандан сўнг аризачи [REDACTED] томонидан тақдим этиладиган ёзма кўрсатма (қарор)га асосан ҳисобварақлар бўйича операциялар тиклансин.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози томон ўн кунлик муддатда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал кодексида белгиланган тартибда апелляция шикоятни бериши (протест келтириш) мумкин.

Судья

Н.С.Хўжақулов

